



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИНИ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМГА ЎТКАЗИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 22 июль куни Паркент туманидаги «Марказий» маҳалла фуқаролар йиғинига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида мувофиқ маҳалла фаолиятининг ташкилий асослари, жамият ҳаётидаги роли мустаҳкамланмоқда.

«Марказий» маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бино, маҳалла гузари барпо этилган. Бу ерда йиғин ходимлари, профилактика инспектори ва аҳоли учун барча шароит яратилган. Маҳалла раиси, котиб, маслаҳатчилар, профилактика инспектори учун алоҳида хоналар ажратилган, улар компьютер, мебель, тегишли адабиётлар билан таъминланган. Профилактика инспектори хонасида маҳалладаги жамоат жойларига ўрнатилган видеокузатув ускуналари орқали ҳудудни назорат қилиш имкониятини берувчи монитор ўрнатилган.

Маҳалла тўғрисида қонун бор, шароит яратилган, лекин маҳалла раисининг жавобгарлиги етарли даражада белгиланмаган, қуйи тизим йўқ эди, деди давлатимиз раҳбари. Энди маҳалла фуқаролар йиғинига катта ҳаққонлик ва имкониятлар берилди. Маҳалла раиси Президентнинг вакили, ўз ҳудудининг эгаси бўлиб, ҳар бир хонадондаги ҳолатни, одамларнинг талабларини билиши ва унга қўмак бериши керак.

Шу ерда икки ишлар тизими томонидан олиб борилаётган профилактика ишлари, «Хавфсиз дам олиш» концепцияси ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз Тошкент вилояти, жумладан, Паркент туманида туризмни ривожлантириш учун улкан салоҳият борлиги, бунинг учун дам олувчилар ва аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш, одамларни шу йўналишда оилавий тадбиркорликка ўргатиш кераклигини таъкидлади. Шавкат Мирзиёев маҳалла гузарига фаолият юритаётган тивувчи ва қасаначи аёллар билан суҳбатлашди.

Туманда 2 сув омбори қуриш, томчилатиб суғориш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, тоқорлар ташкил этиш, Паркент шаҳрининг бош режаси, қўп қаватли уй-жойлар, йўللار, бозор, истироҳат боғи ва бошқа объектлар барпо этиш лойиҳалари намойиш этилди.

Президентимиз Паркентоғи ва Қизилсой сув омборларининг туман иқтисодиёти, аҳоли даромадларини оширишдаги аҳамиятига урғу берди. Ушбу сув омборлари қурилиши натижасида 5 минг 800 гектар ер мунтазам сув билан таъминланади. 3 минг 900 гектар лалми ерга сув чиқарилади, 1 минг 900 гектар ернинг сув таъминоти яхшиланади.

Паркент эркин иқтисодий зонасини ташкил этиб, 100 миллион доллар инвестиция қилиниши, туман имкониятлари ва бозор талабидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш йўналишларини белгилаш, шу билан бирга, ерости бойлиқларини ўзлаштирувчи заводлар ташкил этиш бўйича қўрсатмалар берилди.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, вилоят иқтисодиёти учун кадрларни мақсадли тайёрлаш, аҳоли ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш ва бандлигини ошириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш масалаларига ҳам эътибор қaratилди.

Давлатимиз раҳбари Паркент тумани Гулистон маҳалласида яшовчи Аминжон ота Мухаммадновнинг боғида бўлди.

74 ёшли қаршилаган Аминжон ота умр йўлдоши Ихтибор ая билан беш фарзандни тарбиялаб, воғға етказган. Фарзандларнинг барчаси олий маълумотли.

Аминжон ота фарзандлари билан «Зухра она плюс» хусусий корхонасини ташкил этган. Маҳалладаги қарийб 3 гектар ерда манзарали дарахтлар ва буталар экиб, боғ яратган.

Шавкат Мирзиёев боғни кириб кўрди. Шундай ажойиб боғ яратгани, хориждан кўчатлар олиб келиб, юртимиз шароитида кўпайтираётгани учун Аминжон отага миннатдорлик билдирди.

Одамнинг қўли гул дегани мана шу, деди давлатимиз раҳбари. Бу боғ Ватанини севишни, меҳнатсеварликнинг яққол намунаси. Ота-хоннинг тажрибасини ўрганиш, бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиш керак. Бу киши қишлоқ хўжалиги соҳасидаги таълим муассасаларида дарс берсин, одамлар келиб бу ишларни ўрганисин.

Президентимиз боғда маҳалла фаоллари, нурунийлар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижаси, Тошкент вилоятини ҳар томонлама ривожлантиришга қaratилган режалар ҳақида сўз юритилди.

Нурунийлар халқ билан мулоқот қилиб, инсон манфаатларини таъминлашда намуна бўлаётгани, ҳудудларни ривожлантириш, одамлар турмуш фаровонлигини оширишга қaratаётган эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев Юқори Чирчиқ туманида барпо этилаётган замонавий логистика марказида бўлди.

«Greenfoodtrade» МЧЖ томонидан ташкил этилаётган мазкур марказ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан шуғулланади. 2018 йилнинг учинчи чорагида тўла қувват билан ишга туширилиши мўлжалланаётган ушбу лойиҳа мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, икки бозорни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ер майдонларидан унумли фойдаланиш, янги иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Қирқ гектардан ортиқ майдонни эгаллаган мажмуада 5 кросс-докинг, гипермаркет, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш ва сақлаш омбори, 10 минг тонналик музлатгич, 150 ўринли меҳмонхона қурилади.

Мазкур мажмуа ҳақида батафсил маълумот берилди.

Шу ерда Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

Қиёрай туманидаги Агрологистика маркази мева-сабзавот маҳсулотларини қуриштириш ва қадоклаш, иссиқхона, музлатгич, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни ўз ичига олади. 2018 йилнинг биринчи ярмида ишга туширилаётган марказда 500 га яқин иш ўрни яратилади.

«Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси томонидан Охангарон туманидаги «Sardofkmt» масъулияти чекланган жамиятида олмадан шарбат тайёрлаш йўлга қўйилди. Паркент туманида ташкил этилаётган корхонада мева-сабзавотни музлатиш, қадоклаш ва сақлаш мажмуаси, замонавий иссиқхона барпо этилади.

Ерлардан унумли фойдаланиш керак. Бугунги замон тўғри келган нарсани эмас, фойда келтирадиган, бозори чаққон маҳсулотлар етиштиришни талаб қилмоқда.

Тижорат банклари томонидан молиялаштирилаётган йирик лойиҳалар ҳақида ҳам сўзлаб берилди. Лойиҳаларда қoғoз маҳсулотларини қайта ишлаш, мева-сабзавотларни қадоклаш учун гофрокартон қутилар ишлаб чиқариш, парандачилик соҳасини ривожлантириш, мева-сабзавот маҳсулотларини қуриштириш кўзда тутилган.

Тошкент вилояти туманларида рентабеллиги ва ҳосилдорлиги паст бўлган суғориладиган майдонларга экиладиган экин турларининг схематик харитаси намойиш этилди.

Вилоят қишлоқ хўжалиги ер майдонларини мониторингдан ўтказиш ишларининг тақдироти бўлиб ўтди. Бунда квадрокоптер ёрдамида ер майдонларини ўлчаш, маълумотларни электрон базага киритиш, ер майдонларини аэрофото-съемка қилишга эътибор қaratилган. Ер майдонларини АН-2 самолёти ва квадрокоптер ёрдамида ўлчаш натижалари таққосланди. Маълум бўлишича, 100 гектар майдонни самолёт ёрдамида 20 соатда ўрганилса, квадрокоптер қўлланилганда худди шу ҳажмдаги ишларга бор-йўғи 4 соат сарфланар экан. Бундан ташқари, экинларга агродрон, ОБХ пулкагичи ва самолёт ёрдамида ишлов беришнинг қиёсий кўрсаткичлари ҳам намойиш этилди. Иш унумдорлигини оширишда замонавий агродронларнинг имкониятлари юқори баҳоланди.

Бу каби замонавий қўрилмалар қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга, деди Шавкат Мирзиёев. Агар соҳанинг эртанги кунини ўйласак, бундай замонавий тизимга тезроқ ўтишимиз керак. Дронлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, бу борада қўшма корхона тузиш ва кадрлар тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қaratиш лозим.

2017-2018 йилларда қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш инновацион лойиҳаси ҳам қўрсатилди. «Ўзагротехсановмашхолдинг» компанияси тизимдаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари намойиш қилинди. Компания қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш, машина-трактор парклари ва лизинг хизматларини ўзида жамлаган. Лойиҳалардан мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари ва истиқболдаги режалар ўрин олган.

Мамлакатимизда беларуслик инвесторлар билан ҳамкорликда замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарилмоқда. Президентимиз ушбу техникалар турларини кўздан кечирди. Инвесторлар билан мазкур тизимни янада такомиллаштириш, ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш истиқболлари ҳақида суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбарининг Тошкент вилоятига ташрифи давомида тақдирот этилган янги лойиҳалар вилоят иқтисодиётини юксалтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ЎЗА

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

2017 йил 24 июль куни хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни туғилган куни билан табриклади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти билан дунёнинг кўплаб давлатлари раҳбарлари ўртасида нафақат расмий, балки шахсий дўстлик муносабатлари ҳам ўрнатилган. Давлатимиз раҳбари номига келган табрикларда ҳам бу ўз тасдиғини топган.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзинпинь табригида бундай дейилган: «Сизга туғилган кунингиз муносабати билан ўзимнинг самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни билдириш менга катта мамнуният бағишлайди».

«Хитой ва Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратаман, мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шерикликни биргаликда ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Сиз билан яқин ҳамкорликни давом эттиришга тайёрман», деб таъкидлаган Хитой раҳбари.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Президентимизни 60 ёши билан телефон орқали самимий табриклаб, мустаҳкам соғлик, давлат раҳбари сифатидаги фаолиятида муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик, фаровонлик ва раванқ тилган.

Ўзбекистон ва Россия Президентлари олий даражадаги мунтазам учрашувлар халқларимиз ўртасидаги алоқалар тарихида янги саҳифани бошлаб берганини, икки мамлакатнинг ўзаро дўстона ва ишончли муносабатлари, иттифоқчилик ва стратегик шерикликни ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратганини мамнуният билан таъкидлади.

Президентлар учрашувлар чоғида имзоланган ҳужжатлар ва эришилган келишувларни изчил амалга ошириш Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик қўламини кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов телефон орқали мулоқотда Шавкат Мирзиёевни юбилейи билан самимий муборакбод этиб, эзгу тилаклар изҳор этган, 2017 йилнинг биринчи ярми қардош мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида воқеаларга бой ва самарали бўлганини таъкидлаган.

Шу йилнинг март ва май ойларида икки мамлакат Президентларининг самарали учрашув ва музокаралари яқунлари, шунингдек, турли вазирлик ва ҳўжалик субъектлари раҳбарлари ўртасидаги изчил алоқалар сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги мулоқотни ривожлантиришга янги рух, янги мазмун ва янги қувват бағишлади.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев телефон орқали мулоқот чоғида Шавкат Мирзиёевни юбилейи билан самимий табриклаб, давлат раҳбари сифатидаги фаолиятида янги муваффақиятлар тилган.

Томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатлари қўп асрлик умумий тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, анъана ва урф-одатларимиз яқинлиги асосида муваффақиятли ва самарали ривожланаётганини юксак мамнуният билан қайд этди.

Давлат раҳбарлари суҳбат чоғида мамлакатларимиз кўплаб соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни фаол ривожлантиришга тайёр эканини турли даражадаги изчил алоқалар тасдиқлашини таъкидлади.

Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон телефон орқали суҳбатда кейинги пайтларда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланиб бораётгани ва мавжуд масалалар азалий дўстлик, анъанавий яқин қўшничилик тамойиллари асосида ва манфаатлар инобатта олинган ҳолда изчил ҳал этилаётгани билан ажралиб туришини таъкидлаган.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, транспорт-транзит соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш борасида аниқ мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон корхоналари маҳсулотларининг Душанбеда ўтказилган кўргазмаси ва икки мамлакат ишбилармон доиралари, маданият ва санъат вакиллари иштирокидagi қатор форумлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришда янги имкониятларни очиб берди.

Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарлари янги шароитларни инобатга олган ҳолда, ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга тайёр эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЛОЙИҲА БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда иқтисодиётни ҳар томонлама ва жадал ривожлантириш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш юзасидан кенг қўламли ишлар, шунингдек, санаотни модернизация қилиш ва замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришни барпо этиш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, таҳлиллар комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларнинг самарали бажарилишига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга фoғoз бўлаётган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга тўққонлик қилаётган қатор камчиликлар мавжудлигини, хусусан:

биринчидан, давлат аҳамиятига молик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнини сифатли ташкил этиш, мувофиқлаштириш, мониторинг ҳамда назорат қилишни таъминловчи лойиҳа бошқарувининг ягона тизими мавжуд эмаслигини;

иккинчидан, лойиҳаларни амалга ошириш суръати ва самардорлигини тезкор кузатиш имконини берувчи илғор ахборот-коммуникация технологияларининг бошқарув жараёнига етарлича жорий этилмаганлигини;

учинчидан, давлат ва ҳудудий дастурларни, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда очиклик ва шаффофлик даражасининг пастлиги мазкур соҳада молиявий маблағлар мақсадсиз ва самарасиз сарфланиши, шунингдек, турли хил суистеъмолчилик ҳолатларини келтириб чиқараётганлигини;

тўртинчидан, давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомиллари шаффофлигини таъминловчи давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар деб юритилади)нинг маълумотлар базалари билан интеграция қилинган ягона

ахборот майдонининг мавжуд эмаслигини;

бешинчидан, амалга оширилаётган лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлиги, асосланганлигини ва рентабеллигини таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш, шунингдек, уларнинг қийматини ошириб кўрсатиш ва бошқа суистеъмолчиликлар аломатларини аниқлаш бўйича ишлар самардорлигининг пастлигини;

олтинчидан, товарлар, ишлар ва хизматларнинг ҳақиқий бозор қийматини аниқлаш имконини берадиган ягона классификатор ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат органлари фаолияти, шу жумладан, давлат харидларини амалга ошириш соҳасида очиклик ва шаффофликни таъминлашга алоҳида эътибор қaratилган.

► Давлат 2-бетда.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЛОЙИХА БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ
ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Лойиҳа бошқарувининг ягона ахборот тизимини яратиш орқали давлат ва ҳудудий дастурлар, инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини, молиявий маблағлар сарфланишини бошқариш механизмларининг самарадорлиги ва шаффофлигини янада ошириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизими:

ҳар бир ресурсларнинг (товарлар, ишлар ва хизматларнинг) ҳақиқий бозор қийматини шакллантириш ҳамда нотўғри техник топшириқ ва сметаларни юритишга йўл қўймаслик имконини берадиган ресурслар ягона миллий маълумотномасини жорий этишни;

уч ўлчамли лойиҳалаш технологиясидан фойдаланган ҳолда ресурслар ҳисобини юритиш, лойиҳа бўйича қабул қилинган қарор самарадорлигини баҳолаш, ресурслар миқдори ва турлари тўғри белгиланганлигини аниқлаш;

лоийҳаолди, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тегишли жараёнлардан ўтказиш, ижро интизомига риоя этиш, иш юритуви, ҳисоботлар тузиш устидан электрон назорат ўрнатишни;

давлат харидларининг шаффофлигини ва суиистеъмолчиликларнинг олдини олишни таъминлайдиган ягона автоматлаштирилган тизим ташкил этишни;

ишлар бажарилиши ва дастурлар ижросининг ҳақиқий ҳолатини акс эттирувчи календарь-тармоқ режалаштиришни жорий этишни, шунингдек, хабардор қилиш тизимига эга режа ва жадвалларни шакллантиришни;

бошқарув қарорлари қабул қилишнинг назорат-таҳлилий таъминотини назарда тутати.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги «ўринларда» Агентлик деб юритилган) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Агентлиkning асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини яратиш, жорий этиш ва эксплуатация қилиш;

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини, давлат мақсадли жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси томонидан жалб этиладиган хорижий кредитлар, заём ва грантлар маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган давлат ва ҳудудий дастурлар, инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширилишининг самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш;

ресурсларнинг ҳақиқий бозор қийматини шакллантириш ҳамда нотўғри техник топшириқ ва сметаларни юритишга йўл қўймаслик имконини берадиган ресурслар ягона миллий маълумотномасини юритиш;

давлат харидларини амалга ошириш учун ягона ахборот майдонини яратиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини, давлат мақсадли жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси томонидан жалб этиладиган хорижий кредитлар, заём ва грантлар маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларни сифатли ва ўз вақтида амалга оширишга қўмаклашишни таъминлаш, норентабелли ва самарадорлиги паст лойиҳаларни аниқлаш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда замонавий технологияларни жорий этиш концепциялари ишлаб чиқиши ва ҳар томонлама таҳлил қилинишини таъминлаш;

лоийҳаларни, шу жумладан, амалга оширилаётган лойиҳаларни коррупция ва бошқа суиистеъмолчиликлар аломатлари мавжудлиги юзасидан комплекс техник-иқтисодий таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини ишлашнинг таъминловчи замонавий ахборот-коммуникация технологияларини давлат органлари ва бошқа ташкилотларда жорий этиш;

лоийҳа бошқаруви соҳасида кадрларни ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишга қўмаклашиш.

3. Белгилансинки:

Агентлика Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;

Агентлик директори Ўзбекистон Республикаси Президентини билан келишилган ҳолда Агентлик директори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ўринбосарларига эга;

Агентлик директори мақоми, тиббий ва транспорт таъминоти шартлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчисига, директор ўринбосарлари эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси ўринбосарига тенглаштирилади.

Агентлик директори ва ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан белгиланади.

4. Агентлика, истисно тариқасида: тендер савдолари ўтказмаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш учун зарур бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб беришчилар ёки уларнинг расмий дилерлари (дистрибьюторлари) билан энг яхши тақлифларни танлаб олиш асосида асбоб-ускуна, техника ва материаллар, эҳтиёт қисмлари, дастурий маҳсулотлар, бутловчи буюмларни етказиш бўйича шартномалар тузишга;

юқори малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилишга ҳамда уларга Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш билан келишган ҳолда эркин конвертация қилинадиган валютда иш ҳақи ва бошқа тўловлар белгилашга рухсат этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Агентлиkning буюртмаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш доирасида жалб қилинаётган хорижий мутахассисларга қириш визалари расмийлаштирилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Агентлиkning буюртмаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш доирасида жалб этилаётган хорижий мутахассисларга давлат божи ундирилмасдан кўп марталик визалар расмийлаштирилиши, берилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек, уларни вақтинча прописка қилиш, турар жойи бўйича ҳисобга олишни ҳамда вақтинча прописка қилиш ва турар жойи бўйича ҳисобга олиш узайтирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Агентлиkning буюртмаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш учун юқори малакали хорижий

мутахассисларни республикага жалб қилишга рухсатномалар берилишини (узайтирилишини), шунингдек, жалб этилаётган хорижий мутахассисларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (узайтирилишини) таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва эксплуатация қилиш учун хорижий инвесторлар маблағларини, шу жумладан, халқаро молия институтлари кредитлари ва заёмларини жалб этишга ҳар томонлама қўмаклашсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси мазкур Фармон ва Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этилиши билан боғлиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатини ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Бош прокуратураси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори лойиҳасини ва Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорини И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 24 июль

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида лойиҳа
бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони
Ш А Р Х

Бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш жараёнида илгор ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурий маҳсулотларни қўллашга асосланган инновацион ёндашувларни жорий этиш бугунги кунда иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш ва давлат бошқаруви тизимини таъминлашга йўналтирилган ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ушбу соҳага оид норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш бўйича изчил ишлар амалга оширилди.

Хусусан, «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш доирасида 2013 йилда Ягона интерактив давлат хизматлари портали ишга туширилди.

Кўрсатиладиган хизматлар доирасини кенгайтириш мақсадида Ягона портал давлат органлари ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ахборот тизимлари ҳамда ресурсларига интеграция қилинди. Бунинг натижасида ҳозирги пайтда портал томонидан 300 дан ортиқ хизматлар кўрсатилмоқда.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларнинг самарали бажарилишига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ғов бўлаётган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга тўқунлик қилаётган бир қатор камчиликлар мавжудлигини, хусусан:

давлат аҳамиятга молик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнини сифатли ташкил этиш, мувофиқлаштириш, мониторинг ҳамда назорат қилишни таъминловчи лойиҳа бошқарувининг ягона тизими мавжуд эмаслигини;

лоийҳаларни амалга ошириш суръати ва самарадорлигини тезроқ кузатиш имконини бериувчи илгор ахборот-коммуникация технологияларининг бошқарув жараёнига етарлича жорий этилмаганлигини;

давлат ва ҳудудий дастурларини, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда очиклик ва шаффофлик даражасининг пастлиги мазкур соҳада молиявий маблағлар мақсадсиз ва самарасиз сарфланиши, шунингдек, турли хил суиистеъмолчилик ҳолатларини келтириб чиқараётганлигини;

давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомиллари шаффофлигини таъминловчи, давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва ташкилотларининг маълумотлар базалари билан интеграция қилинган ягона ахборот майдонининг мавжуд эмаслигини;

амалга оширилаётган лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлиги, асосланганлиги ва рентабеллигини таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш, шунингдек, уларнинг қиймати ошириб кўрсатиш ва бошқа суиистеъмолчиликлар аломатларини аниқлаш бўйича ишлар самарадорлигининг пастлигини;

товарлар, ишлар ва хизматларнинг ҳақиқий бозор қийматини аниқлаш имконини берадиган ягона классификатор ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатмоқда.

Юқорида келтирилган ҳолатлар давлат бошқаруви тизими, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларни ислох қилиш шароитида ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминловчи, лойиҳа бошқаруви принципларига асосланган қарорлар қабул қилиш механизмларини ишлаб чиқиш ва назорат қилишнинг замонавий шакл ва услубларини жорий этишни талаб қилади.

Шу муносабат билан, қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси

Президентининг «Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосан давлат дастурлари амалга оширилишини, молиявий маблағлар сарфланишини бошқариш механизмларининг самарадорлиги ва шаффофлигини янада ошириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини яратилмоқда.**

Мазкур тизим:

ҳар бир ресурсларнинг (товарлар, ишлар ва хизматларнинг) ҳақиқий бозор қийматини шакллантириш ҳамда нотўғри техник топшириқ ва сметаларни юритишга йўл қўймаслик имконини берадиган ресурслар ягона миллий маълумотномасини жорий этишни;

уч ўлчамли лойиҳалаш технологиясидан фойдаланган ҳолда ресурслар ҳисобини юритиш, лойиҳа бўйича қабул қилинган қарор самарадорлигини баҳолаш, ресурслар миқдори ва турлари тўғри белгиланганлигини аниқлаш;

лоийҳаолди, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тегишли жараёнлардан ўтказиш, ижро интизомига риоя этиш, иш юритиш, ҳисоботлар тузиш устидан электрон назорат ўрнатишни;

давлат харидларининг шаффофлигини ва суиистеъмолчиликларининг олдини олишни таъминлайдиган ягона автоматлаштирилган тизим ташкил этишни;

ишлар бажарилиши ва дастурлар ижросининг ҳақиқий ҳолатини акс эттирувчи календарь-тармоқ режалаштиришни жорий этишни, шунингдек, хабардор қилиш тизимига эга режа ва жадвалларни шакллантиришни;

бошқарув қарорлари қабул қилишнинг назорат-таҳлилий таъминотини назарда тутати.

Шунингдек, Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентини бевосита раҳбарлик қиладиган **Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди.**

Шу билан бир қаторда, **Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурида Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ташкил этилди** ва унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилди:

Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини яратиш, жорий этиш ва эксплуатация қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини, давлат мақсадли жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси томонидан жалб этиладиган хорижий кредитлар, заём ва грантлар маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган давлат ва ҳудудий дастурлар, инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширилишининг самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш;

ресурсларнинг ҳақиқий бозор қийматини шакллантириш ҳамда нотўғри техник топшириқ ва сметаларни юритишга йўл қўймаслик имконини берадиган ресурслар ягона миллий маълумотномасини юритиш;

давлат харидларини амалга ошириш учун ягона ахборот майдонини яратиш;

давлат харидларини амалга ошириш учун ягона ахборот майдонини яратиш;

Фахр-ифтихор



«O'ZBEKISTON 24»

телерадиоканали

2017 йил, 24 июль кун, соат 10:00 да
ўз фаолиятини бошлади!

Бу тарихий воқеани тўғри баҳолаш учун биз бугун қандай замонда яшаётганимиздан келиб чиқиб, фикрлашимиз керак бўлади.

Ахборотни, сўзни тарозига солиб вазнини ўлчаб бўлмайди, аммо таъсир кучи тошни ёради, ҳатто дунёни ё бузади, ё тузади. Ахборот ҳудуд ёки чегара ҳам билмайди. Бир зумда дунёни эгаллайди...

Бугун дунё давлатлари энг кўп талашаётган бойлик ҳудудлар эмас, ер ости ва усти хазиналари ҳам эмас, балки ахборот, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Ахборотни ким биринчи бўлиб тарқатса, вазият жиловини унинг қўлида бўлади.

Бугун биз ахборот асрида яшаётимиз, ахборот тарқатишнинг янгидан-янги турлари пайдо бўлмоқда. Ҳозир дунё ахборот олами ичида яшамоқда. Ахборотлар эса турли-туман: ҳолис, но-ҳолис, бузғунчи, асоссиз, ҳатто ғараз мақсадли, ёвуз ниятли ахборотлар ҳам тўлиб-тошиб ётибди. Ахборот хуружлари, урушлари авж олиб бормоқда.

Ана шундай мураккаб ва таҳликали замонда халқимизни мамлакатимиз ва дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан ўз вақтида огоҳ этиш, уларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш ўта муҳим вазифа ҳисобланади. Агар халқимизни ахборот билан ўзимиз таъминламасак, уларнинг онгу шуурини бошқаларнинг ахборотлари эгаллаб олиши турган гап. Аччиқроқ бўлса-да, тан



олайлик, дунёнинг қайсидир ҳудудида бўлган воқеани биз кўпинча хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситалари орқали билардик. Кейин «Ахборот» нима деркин, деб кечгача кутардик. Бунгача қайта-қайта такрорланган ахборот ўз ишини қилиб бўларди. Табиийки, ҳар бир ахборот ортида уни тарқатган кучларнинг манфаати ётади.

Шунинг учун ҳам ахборотга эғалик қилиш, уни бошқариш, дунё ахборот маконидан муносабат жой олиш муҳим аҳамиятга эга. Биринчидан, халқимизни ҳолис ахборот билан таъминлаймиз, иккинчидан, ахборот хуружларидан ҳимоя этамиз. Айниқса, ахборотга ўч бутунни ёшларни турли хавф-хатарлардан асраб қоламиз.

«O'zbekiston 24» телерадиоканали зиммасига ана шундай улкан ва муҳим вазифалар юклатилган. Кўрсатув ва эшиттиришлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида жонли эфирда намойиш этилиши бу — сўз эркинлиги, фикр эркинлигининг яна бир ёрқин тантанасидир. Бу оғир ва шарафли ишларни амалга ошириш учун пухта билим, юксак маҳорат, ўткир кўз, уйғоқ қалб керак бўлади. Кечаю кундуз бедор ва матонатли меҳнат талаб этилади.

Ишончимиз қомилки, яқин орада дунёнинг оммавий ахборот воситалари тарқатган янгиликларда «O'zbekiston 24» ахборот телерадиоканали хабарига кўра...» деган сўзларни эшита-миз.

Янги телеканалнинг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни қанчалик муҳимлигини вақт ўтган сайин чуқурроқ англаб борамиз. 2017 йил, 24 июль — «O'zbekiston 24» ахборот-таҳлилий телерадиоканалининг туғилган кунини. Бу кун, бу байрам барчамизга муборак бўлсин. Янги телерадиоканалда фаолият кўрсатаётган барча ҳамкасбларимизга куч-ғайрат, ижодий муваффақият тилаймиз.

Сафар ОСТОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

СИЁСИЙ ПАРТИЯ ҲОЯЛАРИ

ҚОҒОЗДА ЭМАС, ҲАЁТДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПИШИ КЕРАК

Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида ўртага ташланган долзарб масалалар нафақат сиёсий партиялар вакиллари, депутатлар, балки олимлар, мутахассис-экспертлар томонидан ҳам аниқлаштирилган. Мулоҳазалар турлича, таклифлар кўп, фикрлар хилма-хил. Мақсад — сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида ўз ўрнини топишига эришиш. Мутахассислар, партия фаолларининг айрим фикрларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Нодира ЗИКРИЛЛАЕВА,
Молия вазирлиги ҳузуридаги
ўқув маркази кафедра мудири:

— Ҳар бир сиёсий партиянинг ўз йўналиши, олдига қўйган мақсадлари бор. Лекин нимага улар ҳаётда ўз ўрнини топа олмапти? Образули қилиб айтганда, партиялар оғзи ёпилган қозонга ўхшайди. Ичкарида нима бўлаяпти, қандай жараёнлар кечаяпти, буни ҳеч ким тўлиқ билмайди. Ёки бўлмаса улар ўзлари қилаётган ишларни кўрсатиб бера олмапти.

Бунинг сабаби нимада? Бу ерда иккита жиҳатга эътибор қаратиш ўринли, деб ўйлайман. Биринчидан, партияларда мафкуравий ишларда сусткашлик мавжуд. Ушбу масалага ҳеч ким жиддий эътибор қаратмаяпти. Сиёсий партия нима билан обрў қозонади, энг аввало, мафкура билан, кучли тарғибот билан, албатта. Ҳар бир партиянинг дастури тузилган, унда катта масалалар ўртага ташланган. Лекин партияларимиз уларни қай даражада бажараяпти, одамлар ҳаётига қанчалик кириб бораёпти — бу энди бошқа масала.

Иккинчиси, бу — кадрлар масаласи. Эзгу қиларни амалга ким оширади? Бугун сиёсий партиялар мафкураси кимларнинг қўлида? Бу жуда оғир савол. Чунки лидерлик қобилиятига эга бўлган, нотик, чуқур сиёсий

билимни эгаллаган ёшларни партияларимиз сафига жалб қилолмаяпмиз. Мана шу каби бир-бири билан боғлиқ икки жиддий муаммо партияларнинг ўз ўрнини топишига тўсқинлик қилмоқда, деб ўйлайман.

Яна бир муҳим масалага эътибор қаратмоқчиман. Депутатликка номзод қўйилган одамларнинг тўғри қилиш қилиши, фикрини эркин баён этадиган, жамиятдаги муаммоларни чуқур билидиган депутатлар, партия етакчилари кўп эмас.

Қонунчилик ташаббуси ўз ўзидан келиб чиқмайди. Тўғри, депутат аввал халқ билан ишлайди, муаммоларни таҳлил қилади, қонунчиликни ўрганади, кейин таклиф киритилади. Бу жуда катта иш ҳисобланади. Қонунчилик ташаббуси бўйича депутат бир даста ҳужжат йиғиши мумкин. Лекин масаланинг мазмун-моҳиятини, муаммонинг илдинин билмаганидан кейин ташаббусни парламент муҳокамасига олиб чиқолмайди. Депутатларга қанча шароит яратиб берган билан уларнинг ўзи шунга тайёр бўлмаса, муаммоларни ҳал қилишга интилиш бўлмаса, бирор натижага эришиб бўлмайди. Шунинг учун барча даражадаги депутатларни ўқитиш, малакасини ошириш ишларини номига эмас, катта масъулият билан ташкил этиш лозим.

Акмал ТУРСУНБОВ,
ЎзХДП Сирдарё вилоят
кенгаши раиси вазифасини
бажарувчи:

— Депутатларимизни сайловчилар танияптими, уларнинг фаолиятини қониқаяптими?.. Афсуски, бу саволга ижобий жавоб бериб бўлмайди. Маҳаллалардаги мактабда ишлаётган ўқитувчинини ҳамма танийди, поликлиникадаги шифокорни кўпчилик билади, лекин ўша ерда депутатлар ёки сиёсий партия вакиллари фуқаролар яқиндан танийди, деб айтишга қийналамиз.

Ҳар бир партия халқимизнинг дарду ташвиши, орзу-истаклари билан яшамаса, қонунчиликда одамларни ўйлантираётган масалаларни ҳал қилиш йўллари изламаса, бундай партиянинг жамиятга ҳеч қандай нафи тегмайди.

Одамлар қачон партияга ишонади? Энг аввало, уларни ўз гоёсига ишонтира оلسа. Айни пайтда кўпчиликни ўйлантириб турган муаммони ҳал қилиш ташаббуси билан чиқса. Афсуски, ҳеч бир партия бу масалада аниқ жавоб бера олмапти.

Бугун сиёсий партияларнинг бошқарув тизимида ҳам жиддий ўзгаришлар қилиш, сиёсий менежментни ривожлантириш талаб этилади. Хусусан, партия ташкилотларини амалий натижага хизмат қилмайдиган юкломалар, қоғоз тўлдириш ишларидан халос этиш керак.

Ҳозир ҳамма тadbirkor билан ишлашни хоҳлайди. Нима учун? Чунки у ўрта қатлам, пули бор, нимагадир эришган. Лекин кўпчилик боқимандаликка қарши курашаман, ана шундай одамлар билан ишлайман, деган гоёни кўтариб чиқмади. Сабаби, бу қийин ва бирмунча мураккаб иш. Бизнинг партиямиз айнан шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиши муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Менинг асосий хулосам шуки, бугун сиёсий партияларнинг бошқарув тизимида ҳам жиддий ўзгаришлар қилиш, сиёсий менежментни ривожлантириш талаб этилади. Хусусан, партия ташкилотларини амалий натижага хизмат қилмайдиган юкломалар, қоғоз тўлдириш ишларидан халос этиш керак.

Ақтам ХОЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат
бошқаруви академияси катта
илмий ходими:

— Аччиқ бўлса-да, тан олиш керак, кўп ҳолларда сиёсий партиялар тadbirkorлик, кампаниябозлик ва шунга ўхшаш эскирган қоидалардан чиқиб кета

олмаяпти. Ўтказилган тadbirkorлик ёки ташкил этилган лойиҳалар бир-бирига ўхшаш ва амалий натижа бериши мушкул бўлган ташаббуслардан иборат, деб ўйлайман.

Мисол учун, «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастуридан келиб чиқиб, қандай амалий тadbirkorлик ўтказилди? Партия етакчилари, депутатлар кимлар билан учрашди ва қандай масалаларни муҳокама қилди? Бу саволга ҳеч қайси партия вакили тўлақонли жавоб бера олмапти. Чунки партия аъзолари билан ўзаро мулоқотга киришиш механизми тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

Масалан, шахсан ўзим халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар фаолияти билан фақат сайловлар жараёнида танишганман, турли учрашувларда бир-икки марта кўрганман. Сайловдан кейин ўтган давр мобайнида маҳаллада ёки бошқа даражада уларнинг сайловчилар билан учрашувлари ўтказилмади. Депутатларнинг қабул кунлари қачон, қаерда, қандай тартибда бўлиши ҳақида маълумот йўқ ёки уларни топиш қийин.

Сиёсий партияларда сусткашлик қачон пайдо бўлади? Сайлов жараёнидан кейин. Натижа аниқ: парламентда ўз ўрнига эга бўлди, муайян мақсадга эришди. Шу билан бўлди, депутат ҳам, партия ҳам тўхтади. Аслида эса энг қизғин жараён сайловдан кейин парламентда бошланиши керак. Партиялар ижро ҳокимияти фаолияти самардорлигига таъсир қилиши, электоратга, сайловчиларга берган ваъдаларини бажариш учун курашиши зарур.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Нуралӣ ОРИПОВ
ёзиб олди.

Сўз ЎзХДП
етакчиларига

Президентимизнинг парламент аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва сиёсий партиялар етакчилари билан ўтказган видеоселектор йиғилишида билдирилган танқидий-таҳлилий фикр-мулоҳазалар асосида фаолиятимизни қайтадан кўриб чиқяпмиз. Бундан кейин умумий мазмундаги тadbirkorларни қайта-қайта бевосита партиямиз электорати манфаатлари билан боғлиқ амалий ишларга кўпроқ эътибор қаратишимиз зарур.

Расмий
тадбирлардан
воз кечиб,
кўпроқ амалий ишлар билан
шугулланишимиз лозим

Яқинда халқ депутатлари Фаллаорол туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи йиғилишида давлат бюджетидан ажратилаётган ижтимоий нафақаларнинг манзилли етказилиши масаласи кўриб чиқилди. Маълумотларга кўра, ўтган ойда туман бўйича пенсия учун ажратилган ҳамда бошқа ижтимоий нафақалар вақтида молиялаштирилган. Лекин айрим кишилар пенсия ва нафақаларни тарқатишда белгиланган муддатлардан кечиккиш ҳолатлари кузатишган. Бу эса аҳолининг эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, жорий йилнинг 5 январь кунини Жарғоқ қишлоғида яшовчи фуқаро Нозима Умमतова 3 нафар 14 ёшгача бўлган фарзандлари учун нафақа тайинлаштиришни сўраб, маҳалла фуқаролар йиғини раисига мурожаат қилган. Маҳалла фуқаролар йиғинининг 21 январдаги 1-сонли йиғилиш баёнига асосан унга февраль ойидан эътиборан 6 ой муддатга жами 898.650 сўм нафақа тайинланган. Ҳужжатлар билан танишиш жараёнида шомша-шошарлик билан нафақа тайинлаб юборилганлиги маълум бўлди. Яъни, Н.Умमतованинг оилавий шароити, моддий ва мулкый аҳоли етарлича ўрганилмаган. Оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган даромад мезонда белгиланганидан ошиб кетган. Бу ҳолат юзасидан маҳалла мутасаддиларига нисбатан тегишли тартибда интизомий чора кўрилди. Бундай камчиликлар бошқа ҳудудларда ҳам тез-тез учраб туради. Биз, депутатлар, ана шундай ҳолатлар юзга келишининг асосий сабабларини аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича ташаббус билан чиқишимиз керак.

Йил бошидан бери маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз томонидан бевосита аҳолининг эътиёжидан қатлами вакиллари билан манфаатлари ифодаланган 2 масала туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларига киритилди. 3 масала доимий комиссияларда, яна шунча масала партиямиз гуруҳлари йиғилишларида кўриб чиқилди. Сессия қарорлари ижроси устидан жамоатчилик ва депутатлик назорати олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, корхона, ташкилот мутасадди раҳбарларига 11 депутатлик сўрови юборилди. Масалан, халқ депутатлари Пахтакор туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Озотой Қўшбоқова Буюк Ипак йўли қишлоғида яшовчи Урозали Нуржоновни ногиронлик аравчаси билан таъминлаш тўғрисида туман пенсия жамғармасига мурожаат қилди. Масала ўрганиб чиқилди ва ижобий ечим топди. Шунга ўхшаш яна 10 нафар фуқаронинг оғирини енгил қилишга депутатлар томонидан ёрдам кўрсатилди.

Партияимизнинг туман, шаҳар, вилоят кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига йил бошидан бери моддий ёрдам сўраб 32 киши, иш ҳақи, нафақа, пенсияларни вақтида ололмаётгани ҳақида 13 киши мурожаат қилди. Партияимиздан сайланган депутатлар кўмағида улар ўз ечимини топишти. Лекин бугунги талабни ҳисобга олиб, ўйлаб кўрсак, бу натижалар жуда кам.

Депутатларимиз, партия гуруҳларимиз мурожаат тушгандан кейингина ҳаракатда келмоқда. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган ташаббуслар, афсуски, кўзга ташланмаяпти. Хусусан, турар жойга эътиёжманд имконияти чекланган фуқаролар, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган ишларимиздан кўнглимиз тўлмаяпти.

Айрим депутатлар ҳамда партия гуруҳларида фаоллик етишмаяпти. Масалан, Зарбдор, Арнасой, Жиззах туман Кенгашларидаги депутатларнинг ишида ана шундай сусткашликларга йўл қўйилмоқда. Натижада ўша ҳудудларда партияга, депутатларга нисбатан ишончсизлик шаклланимоқда. Қолаверса, бу ишлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масаласига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун қатъият ва ташаббускорлик талаб этилади. Бугунги депутат кечаги кайфият билан ишласа, одамлар орасидаги обрўси йўқолади.

Амалий ишларимизни кўпайтирсак, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида самарали ишласак, дастурий мақсадларимизни бажаришга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз. Асосийси, одамлар биздан рози бўлади.

Мўтабар КАРИМОВА,
халқ депутатлари Жиззах вилоят
Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари.

Электорат манфаати

ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар кенгаши масъул ходимларининг Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатига боришини эшитиб, уларга ҳамроҳ бўлдик.

— Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида 33 та тиббий-ижтимоий муассаса, «Саховат» ва «Муруват» уйлари фаолият кўрсатади, — дейди вазирлиқнинг тиббий-ижтимоий муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ташкиллаштириш бош бошқармаси бошлиғи Алишер Иноков. — Муассасаларда яқка-ёлғиз қариялар, руҳий касалликдан азият чекаётган беморлар, имконияти чекланган кишилар истиқомат қилинади. Улар бир йилда икки марта тиббий кўрикдан ўтказилади ва даволанишади.

Мазкур пансионатда ҳам кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати асосида катта ишлар амалга оширилди. Тўрт қаватли бино тўлиқ таъмирланди ва керакли жиҳозлар, ҳаёт учун зарурий буюмлар билан таъминланди. Замонавий кутубхона китобсевар отахон ва онахонлар иктиёрида. Уларнинг зерикиб қолмаслиги, ўзлари қизиққан машғулот билан банд бўлиши учун махсус хоналар ташкил этилди. Ҳеч бир инсон ўзининг дарди билан ёлғиз қолмаслиги керак. Бунинг учун қўлимиздан келганича ҳаракат қиламиз.

Ҳақиқатан ҳам, пансионатнинг олдинги кўрмисиз,

таъмирталаб биносидан асар ҳам қолмаган. Бугун ўзгача файз, ўзгача кайфият ҳукмрон бу ерда. Ўриндиқларни тўлдириб ўтирган отахон ва онахонларга яқинлашиб, суҳбатлашишга интилдик.

— Келганимга ўн йилдан ошди, — дейди Раҳматилла Ҳожиқулов. — Йилдан-йилга шароитлар яхшиланиб, эътибор ва эъзоз ҳам ортиб бораёпти. Мана бундай кўркем бинода яшаб, ўзимизни ёшаргандек ҳис қилаяпмиз. Хонамизни ҳам бир кириб кўринг. Ҳар биримизга алоҳида телевизор, музлаткич, юмшоқ мебеллар берилган. Бундай шароит

Шифохоналар, «Саховат» ва «Муруват» уйлари фаолиятини чуқур ўрганиб, улардаги муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш, соҳага оид қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан вазифалар белгилаб олинапти.

баъзи хонадонларда йўқ!.. Фарзанд кўрмадик, тақдир экан... Бугун бир хурсандчи-



нишонлаймиз, деб тургандик. У ҳам гапирсин...

— 68 ёшга тўлдим, — дейди Неъмат Бобоқонов. — Ҳеч нарсадан қамимиз йўқ. Фақат соғинч қийнайди-да. Бир нафар фарзандим бор. Чет элда яшайди. Уни кўргим келади... Пансионат ходимларининг бари ўғил-қизимиздек. Ҳолимиздан саховатли одамлар дам-бадам хабар олиб туришади. Улардан жуда мамнунмиз. Концертлар бўлади. Яқинда Хива ва Бухорога бориб, зиёрат қилиб қайтдик. Биз фақат дуодамиз. Юртимиз тинч, болажонларимиз бахтиёр

бўлсин. Яна нима ҳам дердим?..

— Отахон сизни ҳам дуо қилаяптиларми? — дейди биз томон келган пансионат директори Фарангис Ақромова. — Муассасамизда 133 нафар отахон ва онахон истиқомат қилинади, — давом этади у. — Барчалари ўзига хос феъл-атворга эга. Баъзан ёш болалардек аразлашиб ҳам олишади... Яқинда 2 нафар нуронийни ўз уйига қайтардик. Бу энг катта ютуғимиз, деб биламан. Бу ерда яшаётганларнинг барчаси меҳрга мушток. Ҳар кун иш бошлашдан олдин улар

билан суҳбатлашиб, дуосини оламиз.


— Халқимизда кексаларга ҳурмат азалий қадриятлардан бири ҳисобланади, — дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими Сирожиiddин Шоназаров. — Маҳалла-қўй юмуши, тўймаърака, жамоатчилик тadbirkorлигида ҳам ёши улуг инсонлар тажрибасига таянлади, маслаҳати олинади. Барчамизга маълумки, жорий йилнинг 12 июль санаида парламентда бўлган видеоселектор йиғилишида партиямиз пенсионерлар, кам таъминланган аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида кўзга қўрунарли ташаббуслар билан чиқмаётгани тўғри танқид қилинди. Шунингдек, «Муруват», «Саховат», Меҳрибонлик уйлари фаолиятини яхшилаш бўйича амалий ҳаракатлар бўлмаётгани алоҳида кўрсатиб ўтилди. Ушбу фикрлардан ўзимизга керакли хулосаларни чиқаряпмиз. Шифохоналар, «Саховат» ва «Муруват» уйлари фаолиятини чуқур ўрганиб, улардаги муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш, соҳага оид қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан вазифалар белгилаб олинапти.

Махлиё АЛИҚУЛОВА

Лидерлик қобилиятига эга бўлган, нотик, чуқур сиёсий билимни эгаллаган ёшларни партиямиз сафига жалб қилолмаяпмиз.

Бутуннинг мавзуси

Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатимиздаги иссиқ об-ҳавони одатда атмосферарадаги жанубий-ғарбий оқимлар шакллантиради экан. Ўтган йиллар давомида энг иссиқ ҳаво ҳарорати июль ойига тўғри келиб, ҳарорат 42-44 даражагача, жанубда эса 47-49 даражагача кўтарилган.

Ҳаво яна
исийди

— Июль ойи бошланиши билан ҳаво ҳарорати анча кўтарилгани боис ушбу ойнинг қолган кунларида об-ҳаво қандай бўлиши мумкинлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Фавқулотда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази гидрометеорология таъминот хизмати бошлиғи Надежда Гавреленко билан суҳбатлашдик.

— Бу йил ҳам июль ойининг биринчи ўн кунлигида мамлакатимиз ҳудудларида жуда иссиқ об-ҳаво кузатилади. Бунда кундуз кунлари ҳарорат 40-43 даражагача кўтарилди. Пойтахтимизда эса 7 ва 9 июль кунларида максимал ҳаво ҳарорати 42,4 даражагача кўтарилди. Бундан ташқари, 4-5 июлда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятида, шунингдек, республикамизнинг жанубида ва қўл ҳудудларида 7-8 июль кунларида термометр кўрсаткичи 44-46 даражагача кўтарилганини айтиш мумкин.

Матълумки, июль ойининг иккинчи ўн кунлигида ҳарорат даражаси бироз пасайди, республикамизнинг айрим ҳудудларида ҳатто қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлди. Қолаверса, ҳаво ҳарорати 10-13 даражагача пасайиб ҳаво ҳарорат кечалари 16-18 даражани, кундуз кунлари эса 28-30 даражани ташкил этди.

Энди аҳолиимизни қизиқтиратган июль ойининг учинчи ўн кунлигидаги об-ҳаво ҳақида тўхталмоқчи эдим. 21-22 июль кунлари ҳаво ҳарорати яна кўтарилди бошлади. Бундай ҳарорат деярли ой охиригача давом этади. Энг иссиқ кунлар учинчи ўн кунлигининг ўртасида бўлиб, кундуз кунлари термометр кўрсаткичи 40 даражагача, баъзи жойларда эса 42 даражагача кўтарилдиш мумкин.

Ўтган йили ушбу ойда ҳаво ҳарорати асосан кечалари 17-22 даража иссиқни ташкил этган. Кундуз кунлари 37-42 даражадан 30-35 даражагача ўзгариб турган. Шунингдек, Тошкент шаҳрида 12-13 ва 26 июль кунларида максимал ҳаво ҳарорати 41-42 даражани ташкил этган.

Бир сўз билан айтганда, июль ойининг қолган кунлари ҳамда август ойининг бошларигача ҳаво ҳарорати кўп йиллик қийматларга қараганда гоҳо кўтарилиб, гоҳда тушиб туриши кузатилади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ
ёзиб олди.

БЎСТОН БЎЛИБ ОЧИЛИШ ВАҚТИ

Ушанда 2014 йил олтин кузининг нурафшон кунларидан бири эди. Ўзбекистон Қаҳрамони устоз Абдулла Ориповнинг ҳузурига бурганимда Сирожиддин Саййиднинг яқинда нашрдан чиққан «Очил, эй гул, ки бўстон вақти бўлди» номли китобини қувониб, ўқиб ўтирдим. Саломимга алик олганидан сўнг менга диққат билан тикилиб, билиб ол деган маънода сўзлади:

— Сирожнинг китоби ҳар жиҳатдан мукаммал бўлибди. Истеъдоди, юраги ёниб турган шоир мана шундай шеърлар ёзади...

Улуг шоиримизнинг эътирофига муносиб бўлиш ҳаммага ҳам насиб эътиермаслигини билардим. Устоз унча-мунча шеърни тан ҳам олмасди.

Сирожиддин Саййиднинг «Очил, эй гул, ки бўстон вақти бўлди» номли китобини ҳар гал кўлга олганимда, устоз Абдулла Ориповнинг ўша сўзлари ёдимга тушади.

Китобга кийинги йилларда ёзилган янги шеърлар, ғазаллар, мухаммаслар, дoston ва таржи-малар киритилган. Китоб номида муҳассамлашган бадий тимсолни шундай шарҳлаш мумкин: Кўнгиллар, гулдек очилинг, чунки беармон гуллаш ва очилиш вақти келди — Ватанимиз озод ва обод бўлди, халқимизнинг орзу ва армонлари ушадди, эл-юртимиз гуллаб-яшнади. Ватанимиз тарихидаги бу буюк улугвор воқеа табиатнинг уйғониш фаслига қийсланади. Бу миллий уйғониш, тарихдаги мислсиз ўзгаришлар ва ривожланишлар палласидир. «Очил», «гул», «бўстон» каби мумтоз образлар янгича миллий мазмун ва бадий-эстетик гоёни ифодалайди. Шунинг учун китобдаги шеърлар рамзий маънода мустақиллик даври тасвири, замондошларимиз образи, янги замон руҳини ифодалайди.

**Булбул яшай олмас чамансиз, она,
Инсон хор бўлгандир ватансиз, она.
Ватан барчамизга буюк Онадир,
Сиз буюк Ватансиз, Ватансиз, она.**

«Очил, эй гул, ки бўстон вақти бўлди» китоби унга киритилган асарларнинг жанри ва хусусиятларига кўра, ўн икки бўлимга ажратилган. Ҳар бир бўлим алоҳида номланган.

«Саломлар абаддир, онажон» бўлимида она, Ватан, юртимиздаги улугвор ўзгаришлар, озод ва обод юртимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг амалий натижалари образлар, тимсоллар, истиора ва ташбеҳлар воситасида тасвирланади. Ватанини англаш, унинг буюклигини хис этиш, шунингдек, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликдан фахрланиш ва шукроналик туйғулари қаламга олинади. Ҳусусан, Биринчи Президентимизнинг «Юсак маънавият — енгилмас куч» китоби ҳамда «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» рисолидан келиб чиқадиган вазифаларга бадий усулда, шеър шаклида жавоб ёзилган.

Халқимиз ҳаётидаги барча ёруғлик, шодлик ва бахту саодат учун Ватанимиз истижолидан чексиз миннатдорлик ва шукроналик туйғулари «Саломлар абаддир, онажон» бўлимидаги шеърларнинг таржимаи ҳолини ташкил этади.

**Кутлуг бўлсин мамлакат,
Бу давлат, бу салтанат,
Яратгандан марҳамат —
Ким эдигу ким бўлди.**

«Маърифат қасри. Миллий кутубхона», «Ватани севиш керак», «Истиклол», «Ифтихор», «Ватан посбонларига» каби шеърларда диёри-миздаги оламшумул юксалишлар манзаралари чизилган.

«Гул ранги-ю дил ранги» бўлимида ғазаллар, мухаммаслар, фардлар ва қиътарлар берилган. Дарахт тупроққа қанчалик чуқур илдиз отса, унинг танаси шунча бақувват бўлади, давр-у даврон шамолларида бели букилмайди, новдалари синмайди. Буюк адабиётимизнинг муборак сарчашмалари миллий адабиётимиз бўстонига ана шундай кўрку қудрат бағишлаб турибди. Эзгу ният билан кўлга қалам олган, бадий сатрлар би-тишни улдасидан чиққан ҳар бир ижодкор мумтоз адабиётимиз намояндлари асарларидан баҳра олган, илҳомланган. Сирожиддин Саййид ҳам бу мураккаб ва жозибали вазнда ёзган

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ОСОЙИШТАЛИК ВА ОБОДЛИК — МАҲАЛЛА КЎРКИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар, рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар жамоатчилик билан ишлашда, аҳоли ўртасида маънавий-ахлоқий тарбия ишларини олиб боришда ҳам янгича ёндашувларни тақозо этмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 14 мартдаги «Хукубўзарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорида фуқаролар йиғинлари зиммасига ҳам катта масъулият юклянди.

Маҳалламиз тумандаги обод ва фазил ҳудудлардан. Ердан, сувдан фойдаланиш имкониятлари кенг, вилоят марказига яқин маҳалламиз йилдан-йилга замонавий қиёфа касб этиб, аҳоли турмуш фаровонлиги ошиб бормоқда.

Худудда 2 мингга яқин ўқувчи таълим олаётган икки-

шеърларини рамзий маънода «Гул ранги-ю дил ранги» дея номлаган. Шоир ҳазрат Навоийдек сўз мулкининг султони ҳамда ул муборак зотнинг издошлари бўлган мумтоз шоирлар ижоди-га ўз эътиромининг изхори сифатида «Гул ранги-ю дил ранги» туркумини битган ва албатта ушбу туркумдаги шеърларига мустақиллик руҳи билан жило берган.

«Умр ва айём фардлари» бўлимида мумтоз шеърятимизнинг шаклан энг кичик, мазмунан энг теран жанри бўлиш фардлар жамланган. «Умр ва айём фардлари» атамасида сўзнинг ўзгача ранг ва рамзий маънолари назарда тутилган. Унда шоир яшган умр ҳамда ҳаёт ва тириклик сабоқлари ҳақидаги ҳикматлар жамланган. Фард — икки мисрадан иборат аруз вазнидаги шеър. Ҳаётий тажрибалардан келиб чиқадиган хулосалар умр давомида инсонга икки қатор шеърдек ҳамроҳ, арузий оҳанглар эса юракнинг садола-рига жүр.

**Кеча бор эрди бугун, лекин бурун бўлди бугун,
Гар бугун ҳам эрта ўтгай, эрта ҳам бўлгай бурун.**

Янги фардлар, икки қатор шеърларнинг ҳар бирида ташбеҳ, бадий мазмун, кўча маъно ҳамда мантқиқий хулоса бор. Сўзларнинг шакл-ий гўзаллиги ва маъно товланишлари оҳанра-бодек ўқувчини ўзига ром этади.

«Рўзгор битиклари» номли бўлим мазмунан ўзидан аввалги «Гул ранги-ю дил ранги» бўли-мига ҳамоҳанг. Ҳажв ва юмор мумтоз адабиётимизнинг энг оммабоп жанрларидан биридир. Ушбу усулдаги кичик шеърлар «Рўзгор битикла-ри» бўлимида жамланган.

«Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур...» деб номланган дoston теурийзода султонлардан бири, улуг шоир ва давлат арбоби, йирик сар-карда ва беназир тарихнавис Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижодига бағиш-ланган. Ҳазрат Бобур босиб ўтган зиддиат ва қарама-каршилиқлар, матонат ва жасоратларга бой сертахлика ва серзамун ҳаёт йўли қалам-га олинган. Асарда шоирнинг бетакор образи яратилган.

«Эй инсон!..» бўлимида рубоий жанридаги ҳикматли тўртликлар жамланган. Тасаввуф ола-мининг улуг намояндаси Абу Ҳомид Ғаззолий-нинг «Кимёи саодат» асаридаги қуйидаги ҳик-матли сўзлар ушбу туркумдаги тўртликларга эпиграф қилиб олинган: «... Шунин билсин-ларки, одамзотни ўйин учун яратмаиш-дир. Анинг амали улугдир ва унинг учун буюк хатар бордур. Агарчи у абадий эмас-дур, азалийдур, жисми анинг тўғроғдан-дур ва тўғроққа қатгусидур. Одамзод ру-ҳининг ҳақиқати эса осмонийдур». Ушбу тур-кум шеърларда инсон ва бу ўткинчи дунёдаги ҳаёт ҳақида шоирнинг фалсафий фикрлари бадий усулда баён этилади.

**Ранг рўйинг бунчалар бўлмас эди,
Қилмишинг минг бир варақ бўлмас эди.
Ҳақни билсайдинг ҳақингни истамай,
Ҳақдин ўзга сенга ҳақ бўлмас эди.**

Юлдузлардан майсалар, ўт-ўланларга қадар таралган шуъалар толаси борликда нақадар яхлитлик ва мукамаллик касб этади, улуг шоир луфт этганидек, «Энг кичик заррадан Юпитер-гача» барча нарса бир-бири билан уйғун бўл-гани каби шоирнинг китоби сарлавҳадан мунда-рижагача ҳар бир сўз, ҳар бир сатр бир-бири билан уйғун, муштарак.


**Ёмғирлар йиғлашиб сел бўлди, она,
Согинчлар бирлашиб йил бўлди, она.
Тўпланиб-тўпланиб барча орқилар,
Менинг кўрагимда дил бўлди, она.**

Китоб дебоҳасидаги ушбу шеър билан унинг якунидаги «...янги овозим — ички то-вушим ила қуйлай бошлайман. Менинг сўзсиз, беэзабон бу чинқиргимини қулоқ-лар эмас, энди қалблар ва руҳларгина эшитмоққа қодир» деган ҳикматли сўзнинг ўртасида чамбарчас боғлиқлик ва уйғунлик бор. Иккисида ҳам метафора, яъни истиора сатрларни санъат даражасига кўтарган. Маз-кур метафоранинг мазмунини эса дард, инсон дарди муҳассам.

кичлари янада яхшиланди. Бу профилактика инспектори Улугбек Беккулов ва маҳалла фаоллари томонидан ҳуқуқбу-зарликларнинг олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти-ни ошириш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишлар самарасидир. Худудимиздаги 38-милияти таянч пункти шу йил апрель ойида ўтказилган «Ички ишлар органларининг намунали таянч пункти» кўрик-танловининг мамлакат босқи-чида биринчи ўринни эгаллаб, «Матиз» автомобили билан тақдирланган ҳам фикримиз-ни тасдиқлайди.

Президентимиз ташаббуси билан профилактика кучи тад-бирлари ўтказилаётгани аҳоли-нинг кундалик эҳтиёжига боғ-лиқ қўллаб-муаммолар жойи-да ечим топишига хизмат қил-моқда. Профилактика кучида худуддаги барча масалалар атрофлича муҳокама этилиб, муаммоларни ҳал этиш чора-лари қўрилаётди. Худудда ҳал этилмайдиган муаммолар ту-зарни ташкилотларига юборил-моқда.

Тинчликни асраш, ҳуқуқий ва маърифий-тарбиявий иш-лар мавсумий ёки идоравий тадбир эмас, кундалик ҳаёт-ий заруратга айлантирилса-гина самара бериши ҳаёт си-новидан ўтган ҳақиқат. Нега-ки, бу одамларнинг кундалик турмуши билан бевосита боғ-лиқ бўлиб, оила, таълим му-ассасаси, маҳаллада ёшлар тарбиясига оид йўл қўйилган кичик эътиборсизлик, ло-қайдликнинг «иситмаси» дар-ров ошқор қилади. Биноба-рин, умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ўқу-вчилари тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ёшлар билан ҳуқуқбу-



Китобнинг «Икки аср — бир ҳаёт» ва «Товуш сояси» деб номланган сўнги икки бўлими жа-ҳон шеърятининг забардаст сиймоларидан бири Андрей Вознесенский ҳаёти ва ижоди-га бағишланган.

Истеъдоди юксак шоирларнинг шеърлари миллатидан қатъи назар, ер шарининг қайси ҳудудиди бўлмасин, бирдек жаранглайди. Ҳақиқий шеър чегара-ю худуд, макон-у замон-дан устун туради, деган эди бир суҳбатда ус-тоз Абдулла Орипов.

«Очил, эй гул, ки бўстон вақти бўлди» кито-бининг бадий мазмуни ана шундай бепоён ада-бий журофияни қамраб олади. Мавлоно Атоий-нинг машҳур ғазалига эҳтиром сифатида муҳам-мас битган неварша шоир китоб номини ҳам ана шу муаммаларнинг сарлавҳасидан олган. Бу ғазал бугун ҳам ўзгача рангу жило билан товланиб турибди.

Китобда шарқу ғарб шеърятининг ҳамоҳанг-лиги намён бўлган. Таржималар юксак бадий маҳорат билан амалга оширилган.

Янги китоб шоирнинг дунёга айтган янги сўзи, орзу нияти, мақсад мудоаси, дил изҳорининг шеър сатрларда яралган ҳайкалидир. Сўзнинг ҳайкали, сўзнинг жонли сиймоси шоирнинг қони-даги аждодлар қолдириб кетган эзгу фазилат-лар, жасорат-у ор-номус, юракдаги орқилар-у изтироблар, одамнинг кўнглини асраб-авайлаш учун чеккан заҳматларининг ўзагидан барпо бўла-ди. Бадий асар — сўзлардан қурилган маданий обида. Худди Тошкентдаги Мустақиллик монументидек, Уммон ортидаги Озодлик ҳайкалидек. Адабиёт ёбидаси бўлган китобнинг «юраги дои-мо уриб туради». У ҳеч қачон бир жойда ҳаракат-сиз турмайди, қалблардан қалбларга, диллар-дан дилларга, эллардан элларга, йиллардан йил-ларга, асрлардан асрларга парвоз қилаверади.

**Навоийнинг ғазаллари —
Сўздан унган ватанлар,
Дил қонидан, кўз ёшидан суғорилган чаманлар.
Бунда булбул ўлса агар — гул қонига ювгайлар,
Бунда ошиқ ўлса агар гулдин бўлур кафанлар.**

— Сўз билан асар яратиш — питирлаб, по-тирлаб ётган тирик қушлардан, қушлар галаси-дан девор тиклаш билан баробардир, — дейди Андрей Вознесенский. Бу — метафора. Лекин шоир тахаййоли моторидан яралган қушлар — қанотли сўзлар ўша деворни ҳам кўтариб само-га парвоз қилиш учун ўзига туганмас куч-қудрат топади.

Ҳар бир янги даврнинг ўз муҳташам асарла-ри бўлади. «Очил, эй гул, ки бўстон вақти бўлди» китоби ана шундай асарлардандир. Бундай китоб-лар қиммати вақт ўтган сайин ошиб бораверади.

**Рустам МУСУРМОН,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият ходими,
шоир.**

Шуманой туманидаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактаби 1974 йилда қурилган бўлиб, хоналар зах ва тор, мусиқа асбоблари эса етиш-мас эди. Жорий йилда мак-таб биноси янгидан қурилиб, унга машҳур жиров Жумабой Бозоровнинг номи берилди.

МУСИҚА
МАКТАБИ
ЯНГИДАН
БУНЁД
ЭТИЛДИ

— Ҳозир ушбу санъат даргоҳида 200 нафарга яқин иқтидорли ўқувчи 11 йўналиш бўйича таълим олмоқ-да. Уларга 39 нафар ўқитувчи му-сиқа сирларини ўргатиб келмоқда, — дейди мактаб директори **Махмуд Нажинов**. — Жорий йил-нинг бошида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев туманимизда бўлганида, мактабимизга келиб, шароитларимиз билан яқиндан та-нишгач, бинони қайтадан, замона-вий тарзда қуриш, керакли мусиқа асбоб-ускуналари билан таъминлаш юзасидан кўрсатма берган эди. Мана, нихот орзуимизга эришдик, ўқувчиларимиз янги ва шинам бино-да мусиқа сирларини ўрганмоқда.

**Минажатдин КУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Эълонлар

КОРХОНА ВА
ТАШКИЛОТЛАР
ДИҚҚАТГА

Ўзбекистон ХДП Марказий Кен-гаши минтақавий кенашлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақ-садида партия логотипи туширилган байроқча (флагштоки билан) тайёр-латиш ҳамда компьютер, кўп функ-цияли принтер ва принтер сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар эълон чиққан санадан бошлаб, 4 август кuni соат 16:00га қадар қуйидаги ман-зил бўйича мувожаат қилишлари мум-кин:

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенга-ши, 100029 Тошкент, Мустақиллик май-дони 5/3.
**Телефонлар: (0-371) 239-18-49,
239-83-12**

Каракалпакский филиал ООО «Агросаноат мулк маркази» сооб-шас: 24 августа 2017 года в 15:00 часов по адресу город Нукус, ул. Амира Тимура, дом №122а прово-дится открытые аукционные торги, на которых в порядке после-довательного роста начальных цен, выставляется на продажу:

1. Автотранспортные средства принадлежащего ВЧ Руз №76245 г. Нукуса Республики Каракалпакстан: — автомашина марки Нексия, 1999 года выпуска, гос номер 95/033TSS. Начальная цена 8 200 247 сум.

— автомашина марки Дамас, 2000 года выпуска, гос номер 95/028TSS. Начальная цена 6 063 388 сум.

— автомашина марки Отайул 35,9, 1999 года выпуска, гос номер 95/035TSS. Начальная цена 12 212 595 сум.

— автомашина марки Отайул 65,9, 1999 года выпуска, гос номер 95/036TSS. Начальная цена 13 186 648 сум.

Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9:00 по 18:00 ежедневно, кроме субботы и воскресения. Прием заявок прекращается за один день до начала аукционных торгов. Покупатель вносит залог не менее 15 процентов от первоначальной стоимо-сти заявленного имущества на р/с №20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 Каракалпак-ский филиала ООО «Агросаноат мулк маркази» в АК «Турон банк». Инфор-мацию об объектах, выставаемых на торги, можно получить по адресу: Республика Каракалпакстан г. Нукус, ул. Амира Тимура, дом №122а. Теле-фоны для справок: 0(361) 222-55-84.

Услуга лицензированы.

MUASSIS:

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihidin

Farrux HAMROYEV

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan - 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turan ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 738

9319

nusxada

bosildi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 22:18

Topshirilgan vaqti — 01:30

Navbatchi:

Toshtemir XUDYOQULOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZIROV

ISSN 2010-7633

4772010763006

1 2 3 4 5

